*1-илова*

# Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ректорининг 2018/2019 ўқув йили учун
# НАМУНАВИЙ ЙЎЛ ХАРИТАСИ

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Молиялаштириш манбаи | Кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ҳамда инновацион ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда таълим муассасасининг стратегик истиқболини белгилаш** | | | | | |
| 1. | “Ўзавтосаноат” АЖ таркибидаги корхоналар билан автотранспортни ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновацион лойиҳалар амалга ошириш | Истиқболли ва альтернатив энергия манбаларидан фойдаланадиган тарнспорт тизимлари устидан устидан иш олиб бориш ва ишлаб чиқариш прототипларини тайёрлаш, жумладан:<br>- электромобиль<br>- водородли автомобиль<br>- биогазли автомобиль<br>- қуёш энергиясидан фойдаланадиган автомобиль | 2018-2019 йиллар давомида | Хўжалик шартномалар асосида | 2018-2019 йилда электромобиль, водородли автомобиль, биогазли автомобиль, қуёш энергиясидан фойдаланадиган автомобиль саноат нусхаларини кенг оммага ва синовлар учун тақдим қилиш |
| **II. Иқтидорли ёшларни саралаш (селекция) механизмларини жорий этиш орқали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш** | | | | | |
| 1. | Талабалар ўртасида фан олимпиадаларини ташкил қилиш | Фан олимпиадалари-нинг 1-босқичи университет миқёсида, 2-босқичи Республика миқёсида ўтказилади | 2018-2019 ўқув йил давомида | | Фан олимпиадаларини ташкил этиш орқали, университетга илмий-педагогик кадрларни тайёрланади |
| 2. | Ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари томонидан маҳсус курслар учун саралаш ўтказиш | Ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари ва университет профессорлари иштирокида комиссия тузган ҳолда саралаш | 2018-2019 ўқув йил давомида | | Ишлаб чиқарувчи корхоналарга эҳтиёж баланд бўлган мутаҳасисларни етказиб берилади |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3. | Инновацион ҳафталик конкурси | Инновацион ҳафтада талабалар ўз инновацион ишларини тақдим этишади ва хайъат аъзолари томонидан баҳоланишади. | 2018-2019 ўқув йил давомида | | Ишлаб чиқарувчи корхоналарга эхтиёж баланд бўлган мутаҳасисларни етказиб берилади |
| **III. Таълим муассасасининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда кадрларга бўлган талаблар асосида таълим сифатини ошириш механизмини шакллантириш** | | | | | |
| 1. | Кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни ўрганган ҳолда иш берувчилар билан хамкорликда университетда мавжуд таълим йўналишлари ўқув режа ва дастурларига қўшимча фанлар ва малака орттириш талабларини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш | Ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқиш жараёнига иш берувчилар вакилларини жалб қилиш | | | Таълим сифати кадрларга бўлган талаблар даражасида шаклланади |
| **IV. Олий таълим муассасасини ривожланган мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари даражасига олиб чиқишга қаратилган ишларни амалга ошириш** | | | | | |
| 1. | Ўқув жараёнининг шаффофлигининг таъминлаш ва ташкил этиш | Факултет фаолиятини баҳолашда янги принспларни ишлаб чиқиш<br><br>Янги принтсипларни ишлаб чиқиш талабаларнинг билимини баҳолайди | 2019 йил давомида<br><br>2018 йилда | | ўқитувчилар “талабалар эришган ютуқ даражасипроффесор-ўқитувчиларнинг фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” илмий ютуқ даражасини сессия асосида 70% га йетказиш тамоилини жорий қилиш.<br><br>Талабаларнинг билими (автоматлаштирилган, портфел, пиёдаларга қарши кураш ва ҳокозо) бўйича замонавий, ошкора ва адолатли усулларни жорий қилиш, шу жумладан якуний назорат райтида муаяян |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Университет фаолиятига самарали жамоатчилик назоратини яратиш. | 2018 йилда | | мавзуда ўқитувчининг иштирокини истесно қилиш.<br><br>Унивеситет "Жамоат кенгаши"да талабалар, ота-оналар, Ёшлар итфоқи ва мижозлар ташкил топган. |
| 2. | Талабалар алмашинув дастури | 2,3,4 курс талабалари сафидан иқтидорли, аълочи талабалар танлаб олиниб Ривожланган мамла-катлар етакчи ОТМларига 1 се-местер ёки 1 академик йиллик муддатга ўқишга юбориш | 2018-2019 ўқув йил давомида | | Хорижий университетларда ўқиган талабалар сафидан иқтидорли талабалар танлаб олиниб университет илмий педагогик кадрлар захираси бойитилади |
| **V.** | **Таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустахкалаш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш** | | | | |
| 1. | Зоология институти негизида университетнинг магистратура бўлими ва талабалар учун турар жой ташкил қилиш | Бинода реконструкция ишларининг биринчи босқичини амалга ошириш | 2018/2019 ўқув йили | Университет ички маблағлари, Васийлик кенгаша аъзоларининг ҳомийлик ёрдамлари | Зоология институти негизида 252 ётоқ жойлари, 412 ўқув жойлари, 2 та маърузалар заллари, 7 лабораториялар ташкил этилади. |
| 2. | Талабалар контингентини ошириш | Реал сектор корхоналарида инженерлик мутахассисликларга бўлган эхтиёжни ўрганиб чиқиш, тегишли Ҳукумат қарори лойихасини киритиш | 2018/2019 ўқув йили | Университет ички маблағлари ҳисобига | 2018/2019 ўқув йилида қабул квотасини 600 нафарга ошириш ҳисобига ташкилотлардага мутахассисларга бўлган талабни қондириш |
| 3. | Тўлов контракт суммасини бир | Таълим бериш бозори | 2018/2019 | Маблағ талаб | Тўлов контракт суммаси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ўқув йили учун 28.5 млн.сўм этиб белгилаш. | коньюнктурасини ўрганиш. Ушбу масала бўйича университет Кенгаши, университет Васийлик кенгаши розилигини олиш ҳамда талабалар ота-оналари билан келишиш. | ўқув йили | этилмайди | оширилиши университетга қўшимча маблағлар манбасини яратади ва университетнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди |
| 4. | Университет марказлари фаолиятини фаоллаштириш | Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд муамоларни ўрганиш, университет профессор-ўқитувчиларини марказлар фаолиятига жалб қилиш, конструкторлик ишланмаларни ярмаркаларга олиб чиқиш, бизнес инкубаторлар ташкил этиш, стартап лойихаларни қўллаб-қувватлаш | 2018/2019 ўқув йили | Университет ички маблағлари, ҳомийлар маблағлари ҳисобига | Ишлаб чиқариш ва илм-фаннинг интеграцияси ривожланади, ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд муаммоларни инновацион йўл билан ҳал этилишига университет профессор-ўқитувчилари жалб этилади, талабаларнинг стартап лойихалари амалга ошиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади. |
| 5. | Университет мажвуд техника базасини тижоратлаштириш | Университет мажвуд спорт майдончаларини, бўш майдонларини хатловдан ўтказиш, уларни юиридк шахсларга ижарага бериш, пуллик ўқув курсларини ва спорт тўгаракларини ташкил этиш. | 2018/2019 ўқув йили | Университет ички маблағлари ҳисобига | Университет спорт комплексида футбол, сузиш, баскетбол, кураш ва спортнинг бошқа турлари бўйича пуллик тўгараклар ташкил этиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш, бўш турган биноларни ижарага бериш ҳисобига униреритет учун қўшимча маблағ манбаи яратилади. |
| **VI.** | **Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тарғиботи ва ташвиқоти билан шуғулланиш** | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Талабала-ёшлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг маъруза ва асарларининг мазмуни ва моҳияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва Олий Мажлиснинг сессиясида қабул килинган қарор, қонунлар юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш. | Олимлар ва жамиятшунослар билан учрашувлар ва давра суҳбатларини ташкиллаштириш. | Йил давомида | | Талаба-ёшларда фукаролик позицияси шакллланади, ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий билимлар мустаҳкамланади |
| 2. | "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш. | Олимлар ва жамиятшунослар билан учрашувлар ва давра суҳбатларини ташкиллаштириш. | Йил давомида | | Талаба-ёшларда фукаролик позицияси шакллланади, ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий билимлар мустаҳкамланади |
| 3. | Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмуни ва моҳиятини кенг тарғиб этиш. | Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий кенгаши вакиллари ҳамда жамиятшунослар билан учрашув ва давра суҳбатларини ташкил этиш. | Йил давомида | | Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти шаклланади, шунингдек демократик, ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллиги ортади. |
| 4. | Талаба-ёшлар ўртасида машинасозлик,автомобилсозлик, энергетика, архитектура, ва дизайн, саноат ва фуқаролик қурилиши, ахборот технологиялари соҳасига катта | Соҳа мутахассислари билан давра суҳбатларини ташкил этиш. | Йил давомида | | Талабалар ўзи танлаган касбига садоқат руҳида тарбияланадилар. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ҳисса қўшган таниқли олимлар, меҳнат фаҳрийлари ва мутахассислари билан учрашувлар ўтказиш. | | | | |
| **VII.** | **Тегишли сохаларда илмий техник ва инновацион ривожланиш истиқболлари буйича амалий ҳамкорлик ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий семинар ҳамда конференциялар ўтказиш** | | | | |
| 1. | "Ўзавтосаноат" АЖ таркибидаги корхоналар билан автотранспортни ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновацион лойиҳалар амалга ошириш. | Юртимизда ишлаб чиқариладиган автомобилларни истеъмолчи талабига кўра етказиб бериш (тюнинг ва қайта жихозлаш) | 2018-2019 йиллар давомида | Хўжалик шартномалар асосида | Турли ташкилотларни эхтиёжи учун мослашган махсус автомобилларни ишлаб чиқиш кўникмаларини ривожлантириш ва бу жараёнга талабаларни жалб этиш. |
| 2. | Ишлаб чиқариш конвейр ва станцияларини лойиҳалаш, программалаштириш, йиғиш ва созлаш технологияларини йўлга қўйиш | Автомобилсозликда ишлаб чиқариладиган қисмлари конвейерлари учун лойиҳалаш, программалаштириш, йиғиш ва созлаш технологияларини ривожлантириш ва амалга ошириш, жумладан:<br><br>- турли қолипсозлик технологияларини ўзлаштириш<br><br>- конвейер стеллажлари, станцияларини лойиҳалаш | 2018-2019 йиллар давомида | Хўжалик шартномалар асосида | Юртимизда ишлаб чиқариш технологияларини тўлиқ маҳалийлаштириш, талабаларни чуқур амалий билимларга эга бўлиши |

**Ректор** **Қ.Шарипов**

TOSHKENT SHAHRIDAGI TURIN POLITEXNIKA UNIVERSITETI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI • REPUBLIC OF UZBEKISTAN • РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН